

РОССИЯДА ИННОВАЦИОН МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ: МУАММОЛАР ВА НАТИЖАЛАР

Ҳ.О.Маҳмудова – ТошДШИ магистранти

Ушбу мақолада Россия ташқи савдо айланмаси динамикаси ва унда инновацион маҳсулотлар улуши, “Россия Федерациясининг 2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган инновацион ривожланиш Стратегияси”, Россия интеллектуал салоҳиятини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техника ривожланишининг энг усутувор муаммоларига сафарбар этиш масалалари ёритилган.

Глобализация шароитида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу сабабли ташқи савдони ривожлантириш, экспорт таркибида тайёр, фан сиғими юқори, инновацион маҳсулотлар улушини ошириш асосида экспорт таркибини диверсификациялаш, шунингдек, импорт таркибини оптималлаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ҳар қандай мамлакат сингари Россияда ҳам ташқи савдо миллий иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2000-2013 йиллар давомида Россия ташқи савдо айланмаси 6,2 мартага ўсган. Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, таҳлил қилинаётган давр мобайнида экспортга нисбатан импортнинг юқори суръатларда ўсиши кузатилади: агар бу даврда экспорт 5,1 мартага ўсган бўлса, импорт ҳажми 9,4 мартага ўсган. Гарчи Россия ташқи савдоси юқори суръатларда ўсиш суръатларини намоён қилаётган бўлса-да, унда ҳам ашё товарлари етакчи ўринни эгаллайди. Бу эса мамлакат иқтисодиётини жаҳон ҳам ашё бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларга боғлиқ қилиб қўймоқда.

2013 йилда Россия товар экспорти ҳажми бўйича жаҳонда 10-ўринни, хизматлар экспорти бўйича эса 21-ўринни эгаллади. Мазкур йилда Россия товар экспортининг 71,4 фоизи қазиб олиш саноати маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келди. Қишлоқ хўжалигининг улуши 5,7 фоизни, қайта ишловчи саноат маҳсулотлари улуши эса 19,3 фоизга тенг бўлди, холос¹. Айтиш мумкинки, қайта ишловчи саноат маҳсулотлари экспортининг салмоқли қисми нефть маҳсулотлари (43 фоизи) ва бирламчи ишлов берилган металллар ҳиссасига тўғри келди.

1-жадвал

Россия ташқи савдо айланмаси динамикаси², (млн. АҚШ доллари)

¹Клинов В. Ресурсно-инновационный проект развития российского экспорта <http://www.mgimo.ru/news>

² www.customs.ru

	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Сальдо
2000	136600	102800	33800	69000
2005	339857	241352	98505	142847
2006	439050	301244	137806	163438
2007	552180	352473	199707	152766
2008	734991	468073	266918	201155
2009	469023	301652	167371	134281
2010	625978	397067	228911	168156
2011	821353	516040	305313	210727
2012	841874	524697	317177	207520
2013	844197	526392	317805	208587
2013 йилда 2000 йилга нисбатан, марта	6,2	5,1	9,4	-

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Россия мамлакатда ишлаб чиқариладиган ишлов берилмаган никелнинг 90 фоизини, алюминийнинг 70 фоизини, ярим тайёр маҳсулот ва прокат шаклида пўлатнинг 45 фоизини четга чиқаради. Жами хом ашё бўлмаган товарларнинг 16,9 фоизи металлургия ҳиссасига тўғри келади³.

Агар жаҳон миқёсида кўрадиган бўлсак, жами товар экспортининг 2/3 қисми қайта ишловчи саноат маҳсулотлари ҳисобланиб, уларнинг 67 фоизи фан сиғими юқори тармоқлар, машинасозлик ва кимё саноати ҳиссасига тўғри келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Россия Федерацияси олдида турган асосий вазифа юқори қўшилган қийматга эга, фан сиғими юқори товарлар улушини ошириш ҳисобланади. Бунга эса инновацион ривожланиш йўлига ўтиш орқалигина эришиш мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, саноати ривожланган мамлакатларда ялпи ички маҳсулотнинг 80-95 фоиз кўшимча ўсиши инновацияларда гавдаланган янги билимлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу йўналишда Россия Федерациясида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Россияда инновация фаолиятини ривожлантириш, инновацион маҳсулотлар экспортини кенгайтириш борасидаги энг асосий ҳужжат 2011 йилнинг декабрь ойида қабул қилинган “Россия Федерациясининг 2020 йилгача бўлган даврга мўлжалланган инновацион ривожланиш Стратегияси” ҳисобланади. Бу дастурда инновацион ривожланишга ўтишнинг асосий шарт-шароитлари, мақсадли кўрсаткичлари, шунингдек, уни амалга ошириш механизми ва йўналишлари белгилаб олинган. Ўтган давр мобайнида бу дастурни амалга ошириш бўйича қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, 2011 йилда саноат ишлаб чиқариши ташкилотлари томонидан амалга оширилган товар ва хизматлар экспортининг 8,8 фоизини инновацион товарлар ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 12,1 фоизга, 2013

³Клинов В. Ресурсно-инновационный проект развития российского экспорта <http://www.mgimo.ru/news>

йилда эса 13,7 фоизга етди⁴.

Шунга қарамасдан, бу соҳада мавжуд муаммолар кўлами кенг. Мутахассислар фикрича, Россия интеллектуал салоҳиятини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техника ривожланишининг энг усутувор муаммоларига сафарбар этиш учун инновацион ривожланишга концептуал жиҳатдан ёндошиш, шунингдек, глобаллашув шароитида бу жараёнларни самарали тарзда амалга оширишга имкон берадиган янги институционал муҳит яратиш лозим. Инновацион ривожланиш фан ва инновация соҳасида Россиянинг динамик ривожланишини таъминлаш бўйича давлат ва хусусий бизнеснинг тизимли ва мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштиришга қаратилиши лозим. Бунда илғор инноватор мамлакатлар тажрибаси, шунингдек, самарали инновацион иқтисодиётни ташкил этишнинг муваффақиятли усуллари ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

⁴Индикаторы инновационной деятельности:2014: статистический сборник. – Москва: Национальный исследовательский университет «Высшая школа экономики», 2014. – С.26